



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 16 ноябрь, № 226 (6661) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ

мамлакатимиз транспорт-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда



Республикаимиз темир йўл тизимида амалга оширилаётган кўплаб йирик лойиҳалар натижасида нафақат тармоқда юк ва йўловчи ташиш ҳажми ортмоқда, балки йўл-транспорт инфратузилмаси ҳам жадал суръатларда ривожланиб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалапти. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида 50,5 миллион тонна юк, 15,8 миллион нафар йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилгани, ҳар икки йўналишда ҳам ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада ўсиш кузатилгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Этиборга молик яна бир жиҳати, айти пайтда мазкур тизимда 70 минг нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган бўлса, шундан 2200 дан зиёд иш ўринлари жорий йилнинг ўзида яратилди. Қолаверса, акциядорлик жамиятининг санат корхоналарида таққослама нархларда 312,8 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 октябрдаги “Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Дизель локомотивлари паркинни замонавийлаштириш” лойиҳаси бўйича хорижий инвестициялардан фойдаланиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан ташкил этилган мазкур корхона соҳадаги энг илғор ва йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади.

таққослама нархларда 60 миллиард 737,7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 33,1 фоиз ўсишга эришилди, — дейди унинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Музаффар Деҳқонов. — Ваҳоланки, ўтган йилнинг мазкур даврида бу кўрсаткич 45 миллиард 629 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этган эди. Шунингдек, 385 та янги юк вағони (шундан 5 таси ёпик, 380 таси яримвагон) ишлаб чиқарилди.

(Давоми 2-бетда).

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси ўзининг ҳал қилувчи палласига кирди. Маълумки, Марказий сайлов комиссияси шу йилнинг 9 сентябрь кунин сайлов кампаниясини эълон қилган, халқаро таъкилотларга, бир қатор хорижий мамлакатларга сайловни кузатишда иштирок этиш учун таклифнома юборди. Бу билан юртимизда сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини, Ўзбекистоннинг халқаро ҳужжатлар доирасида олган мажбуриятларига масъуллигини ҳамда умумэтироф этилган демократик тамойилларга содиқлигини намойиш қилди.

Халқаро кузатув:

АМАЛИЁТ ВА ДЕМОКРАТИК АНДОЗАЛАР

Шу кунларда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ЕХТНинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси узок мuddатли кузатувчилари сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқда. Кузатувчилар халқаро сайлов стандартлари ва миллий сайлов қонунчилиги асосида сайлов жараёнининг барча босқичини, Президентликка номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини олиб бориш масалаларини, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича фаолиятини, шунингдек, аҳолининг турли қатламлари электорал фаоллиги даражасини ўрганапти.

Халқаро кузатувчилар фаолиятининг ҳуқуқий асослари хусусида суҳбатлашди. — Халқаро кузатув — сайлов тизимининг муҳим институтларидан бири бўлиб, нафақат ўшб сиёсий тадбирнинг очиқ ва ошкоралиги ҳамда сайловчилар ишончи юксалишига, айти пайтда Узаро билим алмашиш, сайлов жараёнининг энг яхши амалиёти билан танишиш асосида ўшб тизимни изчил демократик ривожлантиришга ҳам хизмат қилади, — дейди у. — Халқаро кузатувчилар давлатлар ўртасида иқтимоий-сиёсий соҳада икки ва кўп томонлама ҳамкорлигини, шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида нуфусини мустаҳкамлашда ҳам муҳим омили ҳисобланади.

ри асосида халқаро кузатув институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. — Ушбу соҳада халқаро стандартларнинг аҳамияти қандай ва улар қай тарзда шаклланиган? — Маълумки, умумэтироф этилган сайлов стандартлари Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенцияси, МДХ аъзо давлатларида Демократик сайлов, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларни стандартлари тўғрисидаги конвенция сингари ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Улар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа сиёсий декларацияларда, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ҳужжатлари, Европа Кенгаши Венеция комиссиясининг сайлов масалаларига оид кодексига ҳам ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ — 2016

Сарвар Отамуратовнинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашуви 15 ноябрь кунин бўлиб ўтди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар, ёшлар, маҳалла фаоллари, партия аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этган учрашувни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси депутатлик гуруҳи аъзоси А. Келдиев очди. Номзоднинг ишончли вакили С. Махматуллоев йиғилганларни Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари хусусида нутқ сўзлади. Чунинчи, дастурда халқаро микёсда эътироф этилган ва бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида амалга оширилаётган ислохотлар бардавомлигини таъминлаш, тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш, маънавий юксалишга эришиш ҳамда миллий иқтисодиётни ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият қаратилганини таъкидлади.

Учрашувда номзод Қашқадарё вилоятида ўтган даврда эришилган ютуқларга атрафлиқ тўхтади. Шу билан бирга, амалга оширилиши лозим бўлган муҳим масалалар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳамда айрим соҳалардаги камчиликларга ҳам сайловчилар эътиборини қаратди.

Энгил ва ихчам тўқимачилик корхоналари сонини кўпайтириш, уларда маҳаллий хом ашёни чуқур қайта

Аҳод МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 15 ноябрь кунин Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили А. Тошқулов очди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудуди каби Сурхондарё вилояти ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,4 фоиз ошгани бунинг далилидир. Иқтисодиёт модернизация ва диверсификация қилинаётгани туфайли санат тармоқлари кенгайиб, туманларда янги замонавий корхоналар ишга ташурилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўлаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг вилоят иқтисодиётидаги салмоқи тобора ортмоқда. Шаҳару қишлоқларда янги ўй-ойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз Сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди. Дастурда Биринчи Президентимиз бошлаб берган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ролини кучайтириш, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, янги ва мустакил фирмаларни, масъулиятли, ташаббускор, илгор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратишга қаратилган

Ўз.А.

Хатамжон Кетмоновнинг Навоий вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 15 ноябрь кунин Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни халқ депутатлари Кармана тумани Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳи раҳбари Ж. Савриев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Олий Махлиси Қонунчилик палатаси депутати А. Аҳмедов иштирокчиларни Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов Сайловолди дастурида белгилаган устувор вазифалар ҳақида сўзлаб берди. Номзод дастлаб истиқлол йилларида бунёдкорлик майдонига айланган улкан санат минтақаси — Навоий вилоятининг ўтмиши ва бугун ҳақида тўхталиб, мазкур ҳудуд энг қадимий маданият бешикларидан бири эканини эътироф этди.

Хатамжон Кетмонов ўз Сайловолди дастурида, аввало, миллий манфаатларга содиқлик, мамлакат мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқароларлар ва миллатлараро ҳамжихатлик, ижтимоий барқарорлиқни сақлаш орқали Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади — ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган эзгу мақсадлар мужассам эканини таъкидлади.

Номзод дастурда илгари сурилаётган истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплексларининг ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш масаласига тўхталиб ўтди. Бунда ма-

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наримон Умаровнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви

15 ноябрь кунин Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Онлайн видеоконференция тарзида ташкил этилган тадбирда 2800 нафардан зиёд сайловчилар қатнашди. Тадбирни Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Жиззах вилояти кенгаши раиси Х. Атаев очди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Д. Ҳакимова йиғилганларни Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод мустақиллик йилларида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгаргани, ҳудудда замон талабларига мос, миллий меъморлик асосида барпо этилаётган тураржойлар, спорт иншоотлари ёшларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишида, шунингдек, халқимиз турмуш даражасининг яхшиланиши ва келажакка бўлган ишончининг янада мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Толибжон ЭРҒАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГУРУП

Хашарни қорақалпоқлар "кўмак" дейишади. Бири-бирига елкадош одамларнинг ишлари кўмак орқали юришган, оғири енгил бўлган. Овуллардаги уйлар шу йўл билан қурилган, қувон ва қайғулар ҳам бирга баҳам кўрилган.

Йўлимиз ойдин, юзимиз ёруғ

Бугун мустақиллигимизнинг навқирон ёшида туриб, азиз тупроғим, Қорақалпоғистонни кезар эканман, Биринчи Президентимизнинг бу юртга илк қадамлари билан кейинги ташрифларнинг самарасини солиштиришман.



Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан).

ради. Корхона томонидан тайёрланган маҳсулотлар Хитой, Россия ва бошқа мамлакатларга сотилмоқда.

кил этган бўлса, 2015 йили бу кўрсаткич 20 минг тоннага етказилди. Тахтақўпри, Қонлиқул, Беруний ва Кегейли туманларида пайпоқ тайёрлайдиган замонавий корхоналар ишга туширилди.

Халқ сўзи Народное слово ТАЛЛОВИГА

маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш учун ҳам катта имкониятлар мавжуд. Шу сабабдан бўлса керак, Нукус туманида пахта ва галла хосилдорлигини ошириш ҳисобидан бўшаган экин майдонларида мева-сабзавотчиликни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Мустақиллик йилларида бу ерда янги чарм-пойабзал саноати пайдо бўлди. Жумладан, Нукус шаҳрида терини қайта ишлайдиган "Ориент технолоджи" ва Амурдёр туманида пойабзал ишлаб чиқарувчи "Бойовул пойабзали" янги корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

"Элни ер боқайди", дейишади. Бинобарин, сўнги йилларда Қорақалпоғистонда қарийб 500 километр коллектор-дренаж тармоқлари қурилди ва реконструкция қилиниб, 12 минг километр таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётгани қувонarliдир. Қишлоққа шаҳар шароитини олиб келган намунавий лойиҳалар асосидаги уйлар, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига доир таълим ва маданият, спорт, соғлиқни сақлаш соҳаларининг ривожини ана шундан далолатдир.

Айниқса, аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2015 — 2020 йилларга мўлжалланган кўплаб амалий ишлар кўзда тутилган. Хусусан, Нукус, Тахياتош ва Бўстон шаҳарлари канализация тизимларини ривожлантириш, Мўйноқ тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ниятида узунлиги 101 километр бўлган "Кўнғирот — Мўйноқ" сув қувурини тортиш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги янгиликлар, ишловотлар қадимий тушунчанимиз бўлмиш хашар йўли билан ўй бераётгани йўқ, албатта. Бу бунёдкорликлар Истиқлол Меъморни орзу қилган буюк келажакка дадил одимлаётган халқимизнинг бегубор истаклари ушалаётганлигининг шарофатидандир.

Ўрзобой АБДУРАҲМОНОВ, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

САНЪАТ

Ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш келажагимиз эгаларига бўлган юксак муносабатни ўзида ифода этади. Бинобарин, навқирон авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши йўлида амалга оширилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар улкан самаралар бермоқда.

Она юрт оҳанглари

Бу ҳақда куни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида бошланган "Она юрт оҳанглари" II халқро мусиқа танловининг очилиш маросимида ҳам алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Соғлом авлод учун" халқро хайрия фонди, Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда мамлакатимиз, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа давлатларнинг ёш мусиқачилари иштирок этмоқда.

Бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий пойдевор яратди. Унга кўра, болалар мусиқа ва санъат мактаблари педагогларининг меҳнатини рағбатлантириш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатидан юксалтириш, санъат мактабига қатновчи болалар учун кенг имкониятлар яратиш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, фарзанд камолоти йўлида илму маърифат нечоғли муҳим аҳамият касб этса, бу борада мусиқа ва санъатнинг ҳам ўрни бекиёс. Мусиқага ошно тутилган болаларнинг фикрлаш қобилияти, дунёқараши ҳам бошқача бўлади. Яъни бола агар мусиқага қанчалик эрта қўнғил қўйса, унинг фикрлаш қобилияти ҳам шунга яраша шаклланиб бораверади. Шу маънода, пойтахтимизда бўлиб ўтаётган ушбу танлов ёшларимиз миллий ва дунё бастакорларининг энг яхши асарларидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, иқтидорларни кашф этиш ва улар ижодини тарғиб қилишдек эзгу мақсадларга қаратилган билан аҳамиятлидир.

М. ЖОНИХОНОВ.

«Олтин куз» жилоси

Пойтахтимиздаги "Zarqaynar" миллий санъат марказида "Олтин куз — 2016" кузги-қишқи либослар намойиши бўлиб ўтди.



Мазкур тadbир Тошкент шаҳридаги Ҳаваскор моделерлар ва тикувчилар уюшмаси томонидан "Begim parfum gallery", "7-Studio", "Bek mega textile" каби компаниялар ҳамкорлигида ташкил этилди. Ундан болалар ва ўсмирларга ҳамда аёлларга мўлжалланган замонавий тенденция ва миллий аъналаримиз уйғулнигидаги бежирим либослар тўплами жой олган.

КЎРГАЗМА

Бошқа кўргазмалардан фарқи ўлароқ, ушбу тadbир ёрқин лаҳзаларга бой бўлди. Негаки, бу ерда мода оламга катта ҳавас билан кириб келаётган ёшлар — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти талабалари ҳамда ёш дизайнерларнинг либослар тўплами намойиши этилди. Уларнинг тўпламлари мутахассислар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тadbирда болалар, аёллар ва эркаклар учун мўлжалланган "pret-a-porte", "haute couture" ва "mass market" тўпламлари ҳамда миллий услубдаги либослар ҳам тақдим қилинди. Унда Ўзбекистон ва

МДХ давлатларидан ўттиздан зиёд дизайнер ўз муаллифлик тўпламлари билан қатнашди.

Кўргазма якунида Ўзбекистон ва жаҳон модаси ҳақидаги "Fashion Ambassador" онлайн журнали тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, "Йилнинг энг яхши дўкони", "Йилнинг энг яхши дизайнери", "Йилнинг энг яхши модели", "Йилнинг энг яхши кичик модели", "Йилнинг энг яхши янгилиги", "Йилнинг энг яхши бренди", "Миллий услуб" каби номинатциялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Анора БОЗОРОВА.

«Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиали

бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич oшиб бoриш тартибидa ўтказилaдиган очиқ аукцион савдосигa тaклиф этaди.

1. Аукцион савдосига Чуст тумани СИБ томонидан ЖИБ Чуст тумани судининг 2016 йил 4 августдаги 1-257/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чуст тумани, Чуст шаҳри, «Гулистон» МФЙ, Тошкент кўчаси, 1-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 41,60 кв. м. бўлган, 1 (бир) хонали 28-хонадон такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 21 900 995 сўм.

2. Аукцион савдосига Чуст тумани СИБ томонидан ЖИБ Чуст тумани судининг 2016 йил 25 майдаги 1-145-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чуст тумани, Чуст шаҳри, «Бирлик» МФЙ, Чустий кўчаси, 107-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 71,90 кв. м., 3 (уч) хонали 10-хонадон такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 82 548 644 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 декабрь куни

Хизматлар лицензияланган.

Манзил: Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 7-уй. Телефон: (0-369) 227-85-25. Электрон почта: best.namangan@inbox.uz www.emulk.uz

«Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ

бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич oшиб бoриш тартибидa ўтказилaдиган очиқ аукцион савдосигa тaклиф этaди.

1. Аукцион савдосига Янгиарик тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 ноябрдаги 22-1305/9561-сонли ва 2014 йил 24 октябрдаги 22-1402/8260-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Уринбой» фермер хўжалигига қарашли, Янгиарик тумани, Таган қишлоғида жойлашган, ер майдони 1793,3 кв. м. бўлган 1, 2, 3-қисмлардан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 24 857 387 сўм.

2. Аукцион савдосига Гурлан тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2016 йил 13 сентябрдаги 22-1603/8863-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бекзод қандолатчи» хусусий корхонасига қарашли, Гурлан тумани, У. Носиров кўчаси, 27-уйда жойлашган, 9 хонали офис биноси, 2 қаватли омборхона, 1 хонали омборхона, 1 хонали гараж, 1 хонали хожатхона, ер майдони 480,0 кв. м., қурилиш ости майдони 294,0 кв. м., фойдаланиш майдони 242,98 кв. м. бўлган офис биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 325 000 000 сўм.

3. Аукцион савдосига Гурлан тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2016 йил 13 сентябрдаги 22-1603/8863-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бекзод қандолатчи» хусусий корхонасига қарашли, Гурлан тумани, Манғит кўчасида жойлашган, ер майдони 2346,60 кв. м., қурилиш ости майдони 666,90 кв. м., фойдаланиш майдони 620,86 кв. м. дан иборат халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фабриканинг 1 хонали цех биноси қўйилмоқда.

Буюртномалар Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда қабул қилинади.

Телефонлар: (0-362) 228-48-46, (+99891) 999-99-56. www.xkmss.uz

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

Тошкент шаҳар филиали

бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич oшиб бoриш тартибидa ўтказилaдиган очиқ аукцион савдосигa тaклиф этaди.

2016 йил 20 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ФИБ Учтепа туманларо судининг 2016 йил 29 февралдаги ҳукми ва 2016 йил 22 мартдаги 2-167-68/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, ҳаворанг тусли (туманное озеро), давлат рақами 01 Y 662 PA бўлган, «Spark LT» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 34 000 000 сўм.

Автотранспорт воситаси Шайхонтоҳур тумани, Лайлитўгон кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Auto plaza service» МЧЖга қарашли автоуловларни сақлаш майдонида сақланмоқда.

Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 19 декабрь куни соат 18.00.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лoзим:

* жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ

www.koss.uz

Телефонлар: (0-371) 276-42-62, (+99897) 790-95-95.

ЭЪЛОНЛАР



ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

* юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур автотранспорт воситаси билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг «Ипотека-банк» АТИБ «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

Гувоҳнома № 5477.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Тошкент шаҳар филиали

бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич oшиб бoриш тартибидa ўтказилaдиган очиқ аукцион савдосигa тaклиф этaди.

1. Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2016 йил 20 июлдаги 2-418/3-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Миробод тумани, Чимкент кўчаси, 8-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 76,12 кв. м. бўлган, 3 хонали тураржой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 278 815 395 сўм.

2. Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2016 йил 20 июлдаги 2-418/3-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10-уй, 139-хонадонда жойлашган, умумий майдони 64,43 кв. м. бўлган, 3 хонали тураржой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 256 911 649 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 20 декабрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни

қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 16 декабрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Талабгорлар аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли вакиллар учун ишончнома, хоржий жисмоний ва юридик шахслар қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқishi қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома тақдим этадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.



O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўмагисиз муваффақиятли амалга ошириш мушкул. Шу боис банклар иқтисодийнинг қон томирига қисланади.

Мамлакатимизда молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш мақсадида бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил таъминланаётгани туфайли банклар барқарор фаолият кўрсатмоқда. Натижада хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиши баробарида, унинг сифати ҳам тобора яхшиланиб бораёпти, мижозлар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётди.

Буни "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эътироф этиш жоизки, бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, маиший хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш йўлидаги эзгу сайёҳ-ҳаракатларга гувоҳ бўласиз. Зеро, истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, пировардида аҳолининг турмуш даражаси йил сайин юксалиб бораёпти. Республикамининг турли ҳудудларида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва қудратини янада мустаҳкамлаш имконини берувчи йирик ҳамда улкан иншоотлар қурилиши жадал давом эттириляётгани эса қувонарлидир. Ана шу жараёнларда тижорат банклари фаол қатнашмоқда.

Хар қандай мамлакат иқтисодийнинг барқарор ривожланишида тижорат банклари муҳим ўрин тутати. Негаки, истиқболли инвестициявий лойиҳаларни уларнинг молиявий

биримизга меҳнат дафтари очилган. Яхшигина даромад ҳам олаёпти. Орамизда элга танилган мутахассислар ҳам талайгина.

Мустақиллик аждодларимизнинг бой меросини асраб-авайлаш, хунармандчиликни ривожлантириш, унинг бебаҳо жиҳатларини дунёга кўз-кўз қилиш имконини берди. Хунармандларнинг машаққатли меҳнати қадр топди. Бундан жуда гурурланамиз.

Биз мамлакатимизда хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатга ўз хиссасини қўшаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятдан беҳад миннат-

амалга ошириляётган улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари, барпо этилаётган янги корхоналар жойларда инфратузилма ривожига, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига замин яратмоқда. Бугун жаҳонда тинчлик-осойишталикнинг аҳамияти, кадр-қиммати ҳар қачонгидан ошиб бораётган, молиявий-иқтисодий муаммолар ҳануз давом этаётган мураккаб бир пайтда юртимизда мана шундай эзгу сайёҳ-ҳаракатлар кузатиляётгани бизни шукроналик ҳисси билан яшашига, мустақилликни асраб-авайлашга ундайди. Қўлга киритилган ютуқлар мамлакатимиз Биринчи Президенти бошлаб

бугунги кунга келиб ўзини тўлиқ оқлади. Яна бир муҳим жиҳати, 150 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда 24 турдаги дори воситалари ишлаб чиқараяпти. Маҳсулотларимизни нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам етказиб бераёмиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти мамлакатимиз иқтисодийнинг таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим қафолатига айланди. Ички бозорни рақобатдош ҳамда сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётгани бунга мисолдир.

2016 йилдаги асосий мақсадларимиз — корхона соф фойдасини янада кўпайтириш, рақобатдош маҳсулотлар билан бозордаги ўрнимизни мустаҳкамлаш ва янги иш ўринлари яратишдан иборат. Хусусан, жамоамиз шу пайтгача мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган қатор дори-дармон воситаларини тайёрлашга киришди. Бинобарин, юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк" сингари молия муассасаларнинг кўмаги бизни ана шундай марралар сари руҳлантирмоқда.

Эркин фаолият, кенг имконият

Эркин ҚОДИРОВ,
"Хоразм қафолатли қурилиш" МЧЖ раҳбари
(Хоразм вилояти):

— Биз юртимизнинг чекка ҳудудида фаолият кўрсатаётган бўлсак-да, тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган одилона сиёсатнинг самараларини ўз жамоамиз фаолияти мисолида доимо ҳис қилиб тураёмиз. Ўтган давр мобайнида давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби жуда кўп қулайликлар жорий этилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иxtисослаштирилган корхонамиз ҳам яратилган бундай катта имкониятлардан унумли фойдаланиб, қатор ютуқларга эришмоқда. Бунда "Ўзсаноатқурилишбанк" Хоразм минтақавий филиалининг салмоқли ҳиссаси бор.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида ўтган йили ушбу филиалдан 130 миллион сўмлик кам фойзли, аммо фойдаси кўп бўлган имтиёзли кредит олган эдик. Бунинг самараси ўларок, кунига қарий 2000 дона нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда, маҳсулот тайёрлаш ҳажми 2-3 баробар ошди, қўшимча бешта иш ўрни ташкил этилди.

Табиийки, мазкур ютуқлар билан чегараланиб қолмоқчи эмасмиз. Фаолиятимизни янада ривожлантириб, даромадимизни ошириш билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратиш ниётидамыз. Бунда яна "Ўзсаноатқурилишбанк" мададига суянамыз.

Ф. САНАЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР, МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

"Ўзсаноатқурилишбанк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масаласига фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда.

Миллионлаб мижозларга юқори савияда хизмат кўрсатиш, обрў-эътибор қозонаётган молия муассасалари қаторида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг ҳам нуносиб ўрни бор. Мазкур банк иқтисодий ислохотлар жараёнига сезиларли улуш қўшиб, хусусан, соҳа инфратузилмаси ҳамда базавий тармоқларини ривожлантиришда фаол иштирок этапти.

Банкнинг ҳар томонлама барқарорлиги халқаро молия доиралари томонидан ҳам юксак эътибор қилинмоқда. Мана, саккиз йилдирки, жаҳоннинг энг нуфузли икки халқаро рейтинг агентлиги — "Standard & Poor's" ва "Fitch Ratings" "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини барқарор, ишончли ва истиқболли, деб баҳоляпти.

Агар мушоҳада юритиб кўрадиган бўлсак, ушбу молия муассасаси илк бор халқаро рейтинг олган 2008 йилда бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз аломатлари сезила бошлаган ва банкларнинг ўз ҳолатини сақлаб қолиш амри маҳол бўлиб қолган эди. "Ўзсаноатқурилишбанк" ана шундай мураккаб бир даврда ҳам ўсишга эришиб, эндиликда жаҳон молия бозорини муносиб ўрнини топишга интиляётганини исботлади.

Албатта, эришилаётган муваффақиятларда мамлакатимиз Биринчи Президентининг юртимизда молия-банк тизимини ислоҳ қилиш, уни ривожлантириш бўйича ғоя ва ташаббуслари, соҳага доир Фармон ҳамда қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг асосий эътибори ўзининг молия бозорини мавқеини янада ошириш, бу борада ижобий кўрсаткичларга эришиш, банк капитали, активлари ва ресурслар базасининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, мижозлар билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларга яқиндан кўмаклашиш молия муассасасининг фаолият мезонига айланган.

Айни шу жиҳатдан "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасининг бугунги самарали фаолиятини мижозлар мамнун. Буни унинг кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйган ҳолда, ҳам оила-си фаровонлиги, ҳам юртимиз раванқига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

Аниқ мақсад, қатъият, интилиш

Раху АХМЕДОВ,
"Versal Buhara tekstil"
МЧЖ директори
(Сурхондарё вилояти):
— "Интиланган толе ёр", дейишади. Ҳақиқатан ҳам, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб,

эзгу ишга бел боғлаган киши, албатта, кўзлаган маррасига эришаркан. Ёш бўлсам-да, бу ҳикмат моҳиятини ҳаётини фаолиятини мисолида теран англаб етганман. Бинобарин, юртимизда қайси соҳада бўлишидан қатъи соҳада бўлишидан қатъи назар, барчага ўз салоҳияти, иқтидорини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Давлатимиз Ватан тараққиётига ҳисса қўшиб йўлидаги интилишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватляпти. Бундан чексиз фахрланамиз. Масалан, тадбиркорликни олайлик. Ушбу соҳа равнақи йўлидаги сайёҳ-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, у қисқа фурсатда иқтисодий-тимизнинг ҳал қилувчи кучига айланди, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашдек ўта муҳим масалани ижобий ҳал этиш, ички бозорни импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Бизнинг энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иxtисослаштирилган "Versal Buhara tekstil" масъулияти чекланган жамиятимиз жамоаси ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётгани туфайли муайян ютуқларга эришмоқда. Маҳсулот сифатини янада яхшилаш, таннархини арзонлаштириш мақсадида изланиб, ишлаб чиқариш жараёнига энг илгор технологиялар жорий этганмиз. Бунда доимий ҳамкоримиз — "Ўзсаноатқурилишбанк" Шарғун филиалининг ёрдами катта бўляпти. Хусусан,

ти харидорларга манзур келаётгани боис юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам мижозларимиз сафи ортиб бораётди. Жорий йилда маҳсулот тайёрлаш ҳажминини ўтган йилдагига нисбатан икки баробар оширишни режалаштирганмиз.

Мустақиллик — бебаҳо неъмат. Унинг қадр-қиммати, аҳамияти ҳақида қанча гапирсак арзийди. Истиқбол бизга қандай яшаш кераклигини ўргатади. Ҳаётимизга мазмун олиб келди. Мулкдор бўлиш имконини берди. Нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси мустақиллик туфайлидир. Бундай юрда яшаш бахт. Шунинг учун ҳам доимо шукрона айтаман. Юртимиз тараққиёти йўлида хизмат қилишни бурчим, деб биламан.

Замон билан ҳамнафас

Нилуфар АХМЕДОВА,
"Нилуфар Эъзога файз" кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари
(Қашқадарё вилояти):

— Бугуннинг аёли замон билан ҳамнафас, ҳамқадам. Мамлакатимизда биз, хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратиб берилган имкониятлар боис тадбиркор, фермер, хунарманд опаланиб, ишлаб чиқариш тобора кенгайиб бораёпти. Орзу ҳамда мақсадларимиз рўёбга чиқаётди.

Мен қарийб ўн бир йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман. Шу ор-



● Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан 3 мингдан зиёд кичик бизнес субъектларига 891 миллирд сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шунинг ҳисобидан 6 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилди.

● Банк сармоялари нафақат корхоналарнинг юксалиши, балки Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида беқиёс улуш бўлиб қўшилмоқда. Ушбу молия муассасаси томонидан шу йилнинг ўзида 700 оилга 71,3 миллиард сўмлик ипотека кредитлари берилди. Яъни шунча оила уй-жой билан таъминланди.

● Ҳар бир тижорат банкнинг салоҳияти унинг етарли даражада ресурс базасига эга бўлишига боғлиқ. Бу молия муассасасига иқтисодийнинг реал секторига йўналтириляётган кредит қўйилмалари ва инвестициялар миқдорини ошириш имконини беради. Шу маънода, "Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакатимизнинг ана шундай молиявий жиҳатдан барқарор инвестициявий марказларидан бири саналади. Жорий йилнинг 9 ойида ушбу мақсадлар учун 1 триллион 208 миллиард сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди.

● "Ўзсаноатқурилишбанк" замонавий ва ҳамма учун қулай бўлган интерактив банк хизматларини кўрсатаётганлиги туфайли айни пайтга келиб унинг мижозлари сони 1 миллион нафардан ошиб кетди.

80 миллион сўм миқдордаги кредит замонавий тикув машиналари сотиб олиб, бизнесимни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Натижада бешта янги иш ўрни яратилди. Чиндан ҳам, мазкур молия муассасасининг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги сайёҳ-ҳаракатлари диққатга сазовор.

Бугун биз тайёрлаётган турли мавсумга мос лиқослар, мактаб формалари, жемпер ҳамда камзуллар анча харидоргир. Ҳар кун янги-янги бюртмалар оламиз. Жамоамизда мен каби ўн беш нафар дизайнер ва черварлар жамланган. Ҳар

дормиз. Келгусида ҳам мазкур молия муассасаси билан ҳамкорликни изчил давом эттириш ниётидамыз.

Истиқболли лойиҳалар самараси

Абдурахмон НАЗАРОВ,
"Uzgermed Pharm"
Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси раҳбари
(Тошкент вилояти):

— Юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги ҳар бир инсонни эзгу ниёт билан яшашига ундайди. Зеро, қўлга киритилган ютуқлар, ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлар шунга катта туртки бермоқда.

Истиқбол йилларида



ушбу филиал томонидан ажратилган 235 миллион сўм миқдордаги кредит эвазига янги тикув машиналари ва хомаёш сотиб олиб, корхонамиз фаолиятини кенгайтирдик. Шунинг эвазига 60 та янги иш ўрни очилди.

Бугунги кунда турли хил лиқослар тайёрлаб, ички бозорга етказиб бераёмиз. Маҳсулотимиз сифа-

қали жамиятда ўз ўрнини топдим, эл орасида обрў-эътибор қозондим, мамлакатимиз тараққиётига, озми-кўпми, ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Тикувчилик ишини ташкил этиш бўйича лойиҳаларимни муваффақиятли амалга оширишда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг кўмаги беқиёс. Мисол учун, банкнинг Қашқадарё минтақавий филиали томонидан берилган

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 951 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлаёлмақ тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Рекама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Набатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирадлик Маҳкамаси